



**Номоддий
маданий мерос
ва
фольклоршунослик
муаммолари**

**республика
илмий –амалий анжуман
материаллари**

Қарши-2015

ФОЛЬКЛОР ВА ЁЗМА АДАБИЁТДА "ИСКАНДАР" ЎЛИМИНИНГ ТАСВИРИ

Д. Шодмонова ҚарДУ магистранти,

Искандар Зулқарнайн Шарқ халқлари адабиёти ва оғзаки ижодининг энг севимли қаҳрамони. Жаҳонгирнинг туғилишидан то ўлимигача бўлган ҳаёт йўли турли афсоналар билан бойитилган ва сайқалланиб борган. Айниқса, Искандарнинг ўлими тасвири берилган эпизодлар биз учун ибрат мактабини ўтади.

Шарқда яратилган "Искандарнома"ларда қаҳрамон она-сига хат ёзиб, унда зиёфат уюштириш, таомлардан эса ҳеч кимини йўқотмаган одамларгина тамадди қилиши мумкинлигини айтади. Аслида бу эпизод Каллисфенга нисбат берилган "Искандар ҳақидаги роман"да келтирилган ва ундан Шарқ адабиётига ўтганлиги ҳақида ҳам қарашлар мавжуд. Шу ўринда айтишимиз жоизки, хатда келтирилган илтимоснинг асл негизи ҳақида Фозила Сулаймонова ўзининг "Шарқ ва Ғарб" асарида қуйидагича фаразни келтириб ўтади:

Рим императори Юлианнинг (331-363 й.) "Хатлар"ида қадимги юнон файласуфи Демокрит (эр.ав. V-IV аср) ҳаётидан бир қизиқ воқеа келтирилади: Эрон саёҳати вақтида шаҳаншоҳ Доро файласуфни чақириб, севимли рафиқаси вафот этганини айтиб, уни тирилтириб беришни илтимос қилади. Олим Дорога ваъда бериб, зарур бўлган ҳамма нарсани ўз вақтида етказиб беришни сўрайди.

Шоҳ одамларга буйруқ бериб, Демокритнинг айтганларини бажо келтиришни топширади. Маълум вақт ўтгач, Дорога "ҳамма тайёргарлик битди, фақат Осиёнинг шаҳаншоҳи бажариши мумкин бўлган биргина зарурат қолди, холос. Шоҳ яқинларидан айрилиб ҳам тортмаган уч киши номини марҳуманинг қабр тоши устига ёздирса бас, малика ўша ондаёқ тирилади", дейди. Аммо шаҳаншоҳ олим талаб қилган уч кишининг бирортасини ҳам топа олмайди ва ўзига тасалли беришга мажбур бўлади. Демокрит Дорога "Ҳа, қалай, тентак одам, ўзинг ўлим қайғуси бошига тушмаган битта ҳам одамни топа олмадинг-ку, яна бахтсизлик фақат сендагина рўй

бергандек кўз ёшингни тўхтатолмайсан” деган мазмундаги сўзларни айтади.

Кейинчалик, IV-VI асрлар ўртасида яратилган яхудийларнинг диний-ахлоқий ҳикоялар тўплами бўлмиш ”Талмуд”да ҳам Александр ҳақида тарихий воқеалар, Псевдо Каллисфендан олинган ва кўшимча қилинган ҳикоятлар кўп берилган. Ундаги барча ҳикоятлар ”ўлим бутун очкўзлик, хасислик, ҳирсга чек кўяди”, деган ўғит билан яқунланади. Мозорга Александрни олиб кетаётганда кўлини тобутдан чиқариб кўйиш, онаси зиёфат бериб фақат ҳеч кими ўлмаганларгина тамадди қилиши мумкинлиги каби ахлоқий парчалар ”Талмуд”да келтирилган ҳикоятлар учун ҳам характерлидир. Шундан сўнг бу эпизод Шарқ адаблари томонидан яратилган асарларга киритила бошланди.

Шарқ адабиётидаги Демокритнинг ”инсон зоти орасида яқин кишисидан жудо бўлмаган одам йўқ” маъносидаги гапи дастлаб Фирдавсийнинг ”Шоҳнома”да учрайди. Искандар вафоти олдидан онасига ёзган хатида: ”Мендан сўнг андух тортмагин, излаб кўргин дунёда ажал туфайли яқинларидан айрилмаган киши борми?” — дейди.

Бу тасвирлар Низомийнинг ”Искандарнома”сида ҳам ўзига хос тасвирланган. Асарда Искандар жуда кўп мамлакатларга юришларни амалга оширади, унинг асл мақсади мамлакатларни босиб олиш эмас, балки босқинчилардан тозалаш, озод қилиш, малзумларни ҳимоя қилиб, эркинликка олиб чиқишдир. Искандарнинг ана шундай юришларидан бири Чин мамлакатига бўлади. У ерда Чин ҳоқони дунёнинг ўтгинчилиги, ўлим муқаррарлиги ҳақида сўз юритиб, Искандарга: ”Мен ҳам, сен ҳам тупроқданмиз, тупроқ эса ердан, бутун ҳукмронлик ергача, холос, тупроқда ҳеч ким бир-биридан ортуқ эмас”, дейди. Бу фикрлар орқали шоир шоҳнинг умидсизлик ҳолатини эмас, балки бир кун келиб, барча инсонларнинг бу фоний дунёни тарк этишини, охириги манзилга бир хил кузатилишини таъкидлайди ва шоҳни адолатли бўлишга, халққа хизмат қилишга ундайди.

Асар сўнгида ўлим тўшагида ётган шоҳ ҳамда унинг онасига ёзган хатининг мазмунини тасвирлашда Каллисфен

йўлидан боради. Онага шу мазмундаги хат Жомийнинг "Хирадномаи Искандарий"сида ҳам бор, лекин Хисрав Дехлавийнинг "Ойнаи Искандарий" достонида учрамайди.

Дехлавий достонида Искандар бир куни Платон билан учрашади ва узоқ йиллик денгиз сафарига йўл олади. Денгиз ости ва устида саёҳат қилиб ажойиботларни кўради, ниҳоят илоҳий куч ёрдамида узоқ сафардан бир зумда ватанга қайтади, чунки ўлими яқинлиги ҳақида унга нидо келган эди. Дехлавийда ҳам Искандар шартларидан бири, Низомийдаги каби, тобутдан кўлини чиқариб, бир сиким тупрокни солиб кўйишидир.

Жомийда ҳам Низомийдаги каби Искандар денгиз саёҳатидан дашт-биебон орқали қайтаётган чоғида иссиқдан хасталанади ва вафот этади.

Низомиддин Мир Алишер Навоий Македонский тарихига бағишланган "Садди Искандарий" достонини яратди. Бу асарни "Искандарнома"лар орасидаги энг характерли насихатнома ҳам дейиш мумкин.

Навоий Искандар образи орқали замона шохларига мурожаат этади, уларни яхшиликка, азгуликка ва ўзидан яхши ном қолдиришга ундайди ҳамда бу ўтқинчи дунёга меҳр кўймасликка даъват этади. Навоий Искандар тилидан онасига куйидаги сўзларни васият қилади:

*Чиқоринг бир илгимни тобутдин,
Ҳамул навъким – ришта ёкутдин
Ки, эл солиб ул сори ҳайрат кўзи,
Не ҳайрат кўзи, балки ибрат кўзи.
"Бу панжсаки, бармоглари чекти саф,
Жаҳонни жаҳон аҳлидин урди каф,
Кафи ичра олди жаҳон кишварин,
Бару баҳрнинг лаъл ила гавҳарин,
Чу урди ажсал илги табли раҳил,
Бақо бўйнига солди ҳабли раҳил.
Жаҳондин шал илги мисоли борур,
Нечуккин, чинор илги холи борур...*

Навоий таъбирича, Искандарнинг кўлини тобутдан чиқариб кўйилиши бошқаларга ибрат бўлиши керак.

Бу ҳақда Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг қикр саккизинчи боби сарлавҳаси “Афлок ҳайъати шикоятдаким...” сўзлари билан бошланиб, тақдир қанчалик ўзгарувчи, бу дунё, салтанат, ҳокимият ўткинчи, Фаридун, Жамшид, Доро, Искандар, Чингизхон, Темур кабилар қанчалик қудратли бўлишларига қарамай, оламдан ўтдилар, бу дунёда инсоннинг фақат яхши ишларигина қолади, деган панд-насихат сўзлари билан тугалланади. 25 байтдан иборат бўлган қирқ тўққизинчи бобда Искандар тарихи қисқа баён этилиб, шоҳнинг қўлини тобутдан чиқариб қўйишлари, жаҳонни забт этган шаҳаншоҳ ҳам бу дунёдан ҳеч нима олиб кетмаётгани ҳаммага ибрат бўлсин, деган мақсадда ҳам очикдан-очик айтилади:

То кишиким қилса назар ул сари,

Ибрат ила боққай ушал қўл сари.

Ёки:

Жисмида эсон йўқ бу макондин борур,

Хомит илик бирла жаҳондин борур.

Кимки жаҳон мулки ҳавасдур анга,

Ушбу илик тажриба басдир анга...

Искандардек жаҳонни эгаллаган, ҳатто денгизлардаги “Лаъл ила гавҳарлар”гача ўзиники қилган жаҳонгир ҳам у дунёга ҳеч нима олиб кетмаётир, кафтида бир сиқим туфроқ, холос.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида кўриб ўтган Искандар ўлими тасвирларида адиблар макон ва замон танламайдиган умумбашарий муаммоларга ишора қилади. Яъни улар башариятни ўзаро низоларга бориш, молу дунёга ҳирс қўйиш, очкўзлик қилиш ўрнига хайрли ишлар қилиб яхши ном қолдиришга ундайди.

Навоий таъбири билан айтганда:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,

Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик бирла от.

30	<i>Т. Кўчқоров</i>	“Шажараи тарокима”да Кўркут ота ҳақидаги эпик сюжет талқини	121
31	<i>Г.Имомова</i>	Абдулла Қодирий ҳикояларида фольклор синтези	126
32	<i>С.Муминова</i>	Сирожиддин Саййид ижодида халқ поэтик услуби	131
33	<i>А.Ҳамдамов, С.Ҳақбердиева</i>	“Ҳаким ва ажал” достонида фольклор анъаналари	134
34	<i>Д.Тўраев, Ш.Каримова</i>	Усмон Азим ижодида бахшиёналик	137
35	<i>Г.Эрназарова</i>	Ривоятнинг матлаби ва шоирнинг мақсади	139
36	<i>Р.Жумаев, Э.Ортиқова</i>	“Маснавий”да халқ мақолларининг кўлланилишига доир	142
37	<i>Д.Халилова</i>	Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида халқ мақолларининг кўлланилиши	147
38	<i>Ю.Ю.Тохтаева</i>	Ўзбек адабиётига фольклор сатирасининг таъсири	150
39	<i>И. Жабборов</i>	Бир ривоятнинг бадиий талқини	152
40	<i>Ш.Қаҳҳорова, С.Муминова</i>	“Махзан” драмасида ривоятларнинг ўрни	156
41	<i>Д. Шодмонова</i>	Фольклор ва ёзма адабиётда “Искандар” ўлимининг тасвири	159
42	<i>Г. Равшанова</i>	Андалиб ва халқ оғзаки бадиий ижодининг муштарак жиҳатлари	163
IV ШЎЪБА.			
ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР: УРФ - ОДАТЛАР ВА ТАРБИЯ ТАЛҚИНИ			
43	<i>Н.Исакулова</i>	Магистратура таълимида номоддий маданий меросни илмий жиҳатдан ўрганиш	166
44	<i>А.Жабборов, И.Жабборов, Ф.Ражабова</i>	Психология фанларини ўқитишда мақоллардан фойдаланиш	170
45	<i>Л. Худойқулова</i>	Сурхон воҳаси аҳолисининг тўйдан кейинги урф-одат ва удумлари фольклори	173